



halol.uz

## Ҳалол ва ҳаромни ажратиш мусулмон инсонинг бурчидир

Мусулмон инсон куйидагиларга иймон келтирмоги лозим:

1-Албатта Аллох инсонга барча пок нарсаларни, сўзмиди, ишмиди, овкатми, ичимликми, кийимми, зийнатми ёки ўйин-кулгумиди халол килди, рухсат берди. Буни "Халол" дейилади.

2-Албатта аслида ҳамма нарсалар халол, рухсат берилгандир.

3-Албатта Аллох инсонга унга ва ўзгаларга зарарли бўлган нарсаларни ва ифлос, фахш сўз, иш, овкат, ичимлик, кийим, зийнат ва ўйин-кулгиларни ман килди. Буни "Ҳаром" дейилади.

4-Албатта халол ёки харомни аниқлаб, баён қилиш ёлғиз Аллохнинг ўзига хос ишдир. У ўз китоблари ва пайгамбарлари орқали бу ишни баён қилади. Ўзидан бошқа ҳеч кимга, бир одам, давлат, хайъат, жамият, бошлик, шайхларга рухсат бермаган.

5-Албатта Аллох ўз бандаларига харом қилган нарсаларнинг энг катталаридан, Аллохга ширк келтириш, ноҳақдан одам ўлдириш, ота-онага оқ бўлиш, зулм, зино, ўгрилик қилиш,

рибо олиш, арок, маст килувчи ва наркотик моддалар истеъмол килишдир.

6-Албатта Аллох таоло озгина нарсаларни бизга гоҳо билинадиган, гоҳо билинмайдиган улкан зарарлар туфайли харом килгандир.

7-Албатта мусулмон инсоннинг энг улкан бурчларидан бири халол ва харом орасидаги чегарани билмоқдир. Аллохнинг амрларига итоатни лозим тутмоқдир. Мусулмон инсон халолнинг танлаб уни ишлатади ва харомни таниб ундан четда бўлади.

8-Албатта Аллох барча амрлари ва кайтаришлари ила бандаларини синашни касд килгандир. Кайсилари яхши амал килади?, кайсилари Аллохга кулок осиб, унга итоат килади?, кайсилари осий бўлиб, итоат килмайди?

9-Албатта Аллох мусулмон инсонга халолни халол, харомни харом билишга ва унга амал килишга буюрган. Шу билан у бу дунё саодатига эришади ва охиратда Аллохнинг розилигини топади.

10-Албатта Аллох шу билан бирга, уни динда муболагага кетиб, халолни харом ва ўзбошимчиликка кетиб харомни халол килишдан кайтарган. Бу ишни куфрга олиб борадиган катта гунохлардан деб айтган.